*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 138 (8128). ● 22 июль, 1983 йил, ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШЛАРИДА АНИҚ МАРОМ, ЗАРБДОР СУРЪАТ, ЮКСАК СИФАТ БЎЛСИН

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалар асосида капитал қурилишни яхшилаш, саноат қувватларини, уй-жойлар ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш юзасидан шу йилги планлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг капитал қурилиш билан шуғулланувчи ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Халқ контроли комитети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан кейин республикада капитал қурилишни яхшилаш соҳасида муайян ишлар қилинганлиги кенгашда айтиб ўтилди. Беш йиллик бошидан бери 10 миллиард сўмликдан зиёд асосий фондлар, шунингдек 8,5 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Ёқилғи-энергетика комплекси қувватлари айниқса тез оширилди, халқ учун моллар ишлаб чиқарадиган янги-янги корхоналар ва озиқ-овқат программаси объектлари қурилди. Қурувчилар план кўрсаткичларини кўп қисмини ошириб адо этмоқдалар.

Шундай бўлса ҳам уй-жой проблемаси ҳамон ўткир проблема бўлиб қолмоқда. Шу йил ишга туширилиши лозим бўлган катта-катта саноат объектларида кескин аҳвол вужудга келди. Ўзбекистон металлургия комбинатидаги «300» прокат стани, Жиззах областидаги Учқулоч кўрғошин-руҳ руда кони, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида руда қазиб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи янги қувватлар, электротехника, машинасозлик, химия корхоналари, тегирмонлар ва элеваторлар, парандачилик фабрикалари ва ғалла, чорвачилик совхозлари, тўқув ва йигирув фабрикалари шулар жумласидандир. Ҳосил терими мавсумигача 9 та янги пахта заводини, 18 та қуритиш-тозалаш цехини ва пахта билан толани асраш учун 46 та омборни фойдаланишга топшириш керак.

Мана шу жуда катта комплексдаги йигирма уч объект алоҳида муҳим объект деб топилганлигига қарамай, буларда ҳамма ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Кенгашда республиканинг энг катта пудрат коллективларида меҳнатнинг бир маромда эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар келтирилди, шу сабабли фойдаланишга топшириладиган объектлардаги ишларнинг асосий ҳажмини яна учинчи ва тўртинчи кварталларда бажаришга тўғри келади.

Қурилиш министрлиги, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, «Главташкентстрой», сув хўжалиги қурилиши давлат комитети ва бошқа идоралар ресурсларининг ҳал қилувчи участкаларида етарлича жамланишига ҳали эришганлари йўқ, меҳнатни ташкил этишдаги хатолар, интизомнинг пастлиги сабабли кўп вақтни бой бермоқдалар.

Давлат плани — ҳар бир раҳбар, ҳар бир коллектив учун қонундир, деб таъкидланди кенгашда. КПСС Марказий Комитети ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида собитқадамликни, аниқликни, бир маромда ишлашни талаб қилиб масалани айни шу тарзда қўймоқда. Шунга амал қилинмас экан, социалистик мажбуриятлар бажарилмай қолаверади. Янги Қўқон химия заводи ва Чирчиқдаги аммиак ишлаб чиқариш корхонаси қурилишида худди шундай бўлган эди. Бундай ҳолларда сўз бошқа иш бошқа бўлиб, социалистик мусобақанинг обрўсига путур етказилади, катта маънавий зарар кўрилади. Бундай ҳодисаларга қарши КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида қатъий кураш олиб бориш зарур. Бу соҳада партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча даражалардаги хўжалик раҳбарларининг қиладиган ишлари кўп.

Яқин кунлар ичида ишга тушириладиган ҳар бир қурилишдаги мавжуд аҳволни яна бир бор кўриб чиқиш, ана шу объектларни маҳаллий меҳнат ресурслари билан таъминлаш, бу ерга қўшимча равишда монтажчиларни ва айниқса пайвандчиларни юбориш, бўлмаса планларнинг тақдири, яъни йиллик тақдири ҳам бу йилги қурилиш ишларининг муваффақиятига, биз беками-кўст замин ҳозирлай олишимизга боғлиқ эканлигини назарда тутишимиз керак.

Қурилиш ишларининг нормал давом этишини таъминлашда буюртмачи ташкилотлар ғоят муҳим роль ўйнашига яна эътибор жалб этилди.

Кенгаш қатнашчилари уйжой қурилиши тўғрисида гапириб, беш йиллик бошидан буён аҳолига талай миқдорда янги квартиралар кам берилганлигини қайд этиб ўтдилар. «Главташкентстрой» айниқса кўп қарздор бўлиб қолди. Республика Госплани, барча қурилиш идоралари уй-жой қурилиши ишларининг бир маромда олиб борилишини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга унинг орёлликлар методи бўйича икки йиллик узлуксиз планлаштиришга ўтказилишини ҳам таъминлашлари зарур. Қолоқликка барҳам бериш тўғрисида гап бораётган ҳозирги пайтда уй-жойларни топширишнинг ҳар ўн кунлик графигини тузиб чиқиш ва уни амалда жорий этиш керак. Бунда уй-жой бинолари қуриш ва пардозлаш ишларининг сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатган ҳолда социал-маданий ва маиший объектлар билан биргаликда фойдаланишга топширилиши лозим.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой биноларини ва социал объектларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш учун ишдаги камчиликларни сабот билан бартараф этиш, план интизомини мустаҳкамлаш зарур. Объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш сифатига доир масалалар алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини бутун чоралар билан ошириш, партия ва ҳукумат кўрсатмаларининг ижроси устидан контролликни кучайтириш керак.

Бригада пудрати ғоят муҳим резервдир. Шу резервни ишга солиш қурилишларда уюшқоқсизликка ва иш вақтининг зое кетишига барҳам бериш имконини яратади. Бир қанча министрлик ва идораларда меҳнатни ташкил қилишнинг шу илғор формасини жорий этиш чоғида расмиятчилик қўриниширларига йўл қўйилаётганлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Хўжалик ҳисобидаги коллективлар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш, юксак унум билан ишлаш учун уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш — сўзни амалий иш билан мустаҳкамлаш, бутун қурилиш конвейерини ғоят жадаллаштириш демакдир.

Капитал қурилишга доир 1983 йилги план ҳамда мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун республикада ҳамма зарур нарсалар мавжуд. Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳам барча имкониятлар бор. Ҳозирги пайтда шу энг муҳим тармоқ командирларидан ресурслардан моҳирона фойдаланиш, қурилишларни барча зарур нарсалар билан узлуксиз таъминлаб туриш, ишларни тўғри ташкил этиш талаб қилинмоқда. Капитал қурилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш барча партия, совет, хўжалик жамоат ташкилотларининг иши, бу — умумхалқ вазифасидир. Бизнинг қурилиш программамиз шараф билан бажарилиши учун бутун кучни сарфлаш зарур.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов 20 июль куни Кремлда ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадарга Ленин ордени топширди.

Орден топшириш вақтида ўртоқ Ю. В. Андропов нутқ сўзлади.

## Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Бугун бизда қувончли ва тантанали воқеа содир бўлмоқда — Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош Кадарга Ленин ордени топширилмоқда. У венгер ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун, тинчлик ишига ва социализм позицияларини мустаҳкамлашга кўп ҳисса қўшганлиги учун ана шу юксак совет мукофотини олишга сазовор бўлди.

Халқ Венгриясининг атоқли партия ва давлат раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, мамлакатимизнинг мустаҳкам ва синалган дўсти ўртоқ Кадарни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ишчилар синфининг содиқ фарзанди, унинг революцион идеалларини ўзига сингдириб олган ўртоқ Кадар яширин иш шароитида, эски жамиятни емириш ва янги жамиятни барпо этишда бу идеаллар учун мардона курашди, кескин тарихий бурилишларда синфий душманга қарши олиб борилган шиддатли жангларда марксча-ленинча, интернационал позицияларни қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Ўртоқ Кадар чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён ВСИП Марказий Комитетига раҳбарлик қилиб келмоқда. Шу йиллар ичида Венгрия Коммунистлар партиясининг раҳбарлигида социалистик Венгрия ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида — экономика, фан ва маданиятда, халқ фаровонлигини оширишда жуда катта муваффақиятларга эришилди. Венгриянинг халқаро майдондаги обрўси ўсди, мустаҳкамланди.

Совет — Венгрия муносабатлари ҳам ҳар томонлама ривожланди, халқларимизнинг дўстлиги янада мустаҳкам бўлиб қолди. Бу эса бизни астойдил қувонтиради. Бизнинг муносабатларимиз чинакам қардошлик муносабатларидир. Уларнинг чинакам қардошлик муносабатлари бўлиб қолишида ВСИП Марказий Комитети Биринчи секретарининг, азиз дўстимиз ўртоқ Кадарнинг хизматлари катта. Бу муносабатлар, партияларимизнинг ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишлари бундан буён ҳам совет ва венгер халқларининг бахт-саодати йўлида, социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида ривожланаверади. Бизнинг бунга ишончимиз комил.

Азиз ўртоқ Кадар!

СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан Ленин орденини топшираар эканман, ана шу муносиб мукофот билан Сизни чин кўнгилдан муборакбод қилишга ижозат бергайсиз. Социалистик Венгриянинг бахт-саодати йўлида, партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида, тинчлик ва коммунизм учун курашда сиҳат-саломат бўлиб, узоқ йиллар самарали ишлашингизни тилаймиз.

* * *

Ўртоқ Я. Кадар жавоб нутқи сўзлади.

## Ўртоқ Я. КАДАР нутқи

Ҳурматли ўртоқ Андропов!

Азиз совет дўстлар!

Менга билдирилган эътибор учун Сизга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва СССР Олий Советига чуқур миннатдорчилик билдираман. Менинг учун ғоят шарафли юксак мукофот — Ленин ордени билан мукофотланганлигимдан миннатдорман. Венгриянинг барча коммунистлари, Венгрия — Совет дўстлигига содиқ бўлган барча ватандошларим ҳам менга берилган бу мукофотга мен орқали сазовор бўлдилар, деб ҳисоблайман.

Шу юксак мукофот менинг учун 1917 йилда инсоният тарихида янги саҳифа очган Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширган абадий барҳаёт Ленининг ва унинг сафдошларининг хотираси билан боғлиқдир. Бу юксак мукофот бизнинг тарихий дўстлигимиз пойдеворини яратган венгер интернационалистларининг хотираси билан боғлиқдир. Венгрия — Совет дўстлиги ва ҳамкорлиги, Венгрия ва совет халқлари битта йўлдан — социализм йўлидан бораётганлигини, ер юзида яхши, эркин ва тинч ҳаёт учун елкама-елка туриб курашаётганлигини англаш — менинг учун, венгерларнинг ҳозирги авлоди учун бебаҳо куч манбаидир.

Азиз ўртоқ Андропов!

Самимий сўзларингиз учун ташаккур! Шу фахрий мукофотни менинг қадрдон ва яқин дўстим бўлмиш Сиздан шу ерда, улуғ Совет Иттифоқининг шонли пойтахти Москвада қабул қилиб олаётганлигимдан ғоят хурсандман. Венгрия халқининг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилаётган барча ватандошларим билан биргаликда бундан кейин ҳам дўстлигимизни мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизни ривожлантириш соҳасида мумкин бўлган ҳамма ишларни қиламан деб, Сизга ва барча совет дўстларимизга ваъда бераман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва Сизнинг шерикларингизга сиҳат-саломатлик, совет халқининг бахт-саодатига, ялпи социал тараққиётга, тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётган фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қолишга рухсат бергайсиз.

* * *

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари, ВХР партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Янош Кадарга Советлар мамлакатининг юксак мукофоти топширилиши билан уни самимий қутладилар, ВХРни яшнатиш, КПСС билан ВСИП ўртасидаги, совет ва венгер халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик манфаатлари йўлида, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам самарали ишлашини тиладилар.

(ТАСС).

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 20 июль куни Катта Кремль саройида ВСИП Марказий Комитетининг Бош секретари Я. Кадар бошчилигидаги ВХР партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда Совет томонидан Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, А. А. Громико, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. И. Воротников, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов зиёфатда нутқ сўзлади.

## Ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

Азиз ўртоқ Кадар!

Венгриялик азиз меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Мен Москвада партиямиз ва давлатимиз раҳбарлари номидан Венгрия партия-ҳукумат делегациясини қардошларча самимий табриклашимдан ғоят мамнунман. Биз сизлар орқали муштарак ишимиздаги сафдошларимизни, иттифоқчиларимизни, маслакдошларимизни табриклаймиз.

Ўртоқ Кадар, социалистик Венгриянинг синалган раҳбари, совет халқининг азиз дўстисиз. Сиз делегацияга бошчилик қилаётганлигингиздан жуда хурсандмиз.

Интернационал бирдамликнинг қадимий ва мустаҳкам ришталари партияларимизни ва давлатларимизни бир бири билан боғлайди. Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар йил сайин тобора кенгайиб, кўп қиррали бўлиб бормоқда, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. Ижобий натижаларга эришилмаган, ҳамкорлигимизни ривожлантиришнинг янги, янада кенг уфқлари очилмаган бирорта соҳа йўқ.

Социалистик мамлакатларнинг сиёсий календари ўзаро учрашувларга — ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама учрашувларга бойдир. Бу эса мамлакатларимиз ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш, бу ҳамкорликни анча юксак, айтишим мумкинки, сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш объектив зарурлиги билан боғланган.

Айни шу масалалар ҳозирги Совет — Венгрия музокараларининг диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати бу масалаларга катта аҳамият бермоқдалар. Фикрлашиб олиш қарашларимиз ва ниятларимизнинг бир хил эканлигини тасдиқлаганлигидан ғоят мамнунмиз.

Социализм мамлакатлари ҳамкорлик ва жипслигини мустаҳкамлаш билан жаҳондаги воқеаларнинг боришига самарали таъсир кўрсатиш кучини кўп марта оширадилар. Бу эса ҳаммага наф келтиради.

Дарҳақиқат, социалистик мамлакатлар тинчликнинг асосий таянчидир. Улар тинч-тотув яшаш, барча давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг ленинча идеяларини тарғиб этмоқдалар, ер юзида цивилизацияни кучайиб бораётган ядровий фалокат хавфидан сақлаб қолиш тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Уларнинг кейинги вақтларда илгари сурган ва узоққа мўлжалланган кенг кўламли таклифлари ҳамда бу борадаги ташаббуслари, шу жумладан, сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгашида ва етти социалистик мамлакат раҳбар партия ва давлат арбобларининг яқинда Москвада ўтказилган учрашувида қўйилган таклифлар ана шу мақсадга қаратилган.

Маълумки, Совет Иттифоқи ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини бир томонлама ўз зиммасига олди, Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар эса НАТОда қатнашувчи мамлакатларга ядро қуролини ҳам, одатдаги қуролни ҳам бир-бирига қарши ишлатмаслик тўғрисида битим тузишни таклиф қилдилар.

Социалистик мамлакатлар ядро қуролини кўпайтирмасликка ва бу билан мазкур қуролларни қисқартиришга, пировард натижада эса тамомила тугатишга олиб борадиган кескин қадамлар кўйиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга даъват этдилар.

Жаҳон ҳаётидаги воқеаларга ҳолис назар солувчи ҳар бир кишига шу нарса аёнки, социалистик мамлакатлар илгари сурган бир қанча тадбирларни амалга ошириш ядровий хавфни бартараф қилган бўлур эди, халқаро муносабатларни қатъиян соғломлаштириш, хатарли ишончсизлик ва гумонларни бу муносабатлардан чиқариб ташлаш имкониятини яратган бўлур эди.

Жаҳонда кескинлик кучайиб борар экан, бунинг битта сабаби бор, у ҳам бўлса, империалистик доираларнинг аввало АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг сиёсати ва ҳатти-ҳаракатларидир. Вашингтонда ҳалол ва адолатли тарзда бамаслаҳат келишиб олишни истамайдилар, ҳарбий мувозанатни бузиш, ҳарбий соҳада олга ўтиб олиш ва жаҳонда ҳукмрон мавқега эга бўлишни таъминлаш ниятида эканликларини яширмаётирлар. Одамларни жўрттага чалғитиб, Американинг стратегик қуролларини кўпайтириш, «Першинглар» ва қанотли ракеталарни Ғарбий Европада жойлаштириш ҳозирги вақтда олиб борилаётган музокараларда гўё силжиш ясайди, деган фикрни уларга сингдирмоқчи бўладилар. Бундай даъволар ҳақиқатга тамомила зиддир.

Ракеталарнинг сонини кўпайтириш эмас, балки реал ҳолатни, тенгликни ва бир хил даражадаги ҳавфсизликни ҳисобга олиш асосида ядровий қарама-қаршиликни туришни ғоят камайтириш ҳақида ўзаро мақбул қарорга келиш йўлларини қидириб топишга интилиш музокараларда силжишга олиб боради. Стратегик қурол ва ядровий қуроллар юзасидан Европада олиб борилаётган музокараларда совет позицияси ҳудди шундай интилиш руҳи билан суғорилган.

Европада Американанинг янги ядро ракеталарини жойлаштириш муқаррар равишда ҳарбий ва сиёсий қарама-қаршиликдаги шундай оқибатларга олиб келган бўлур эдики, бу оқибатлар жаҳондаги бутун вазиятни жиддий тарзда мушкуллаштириб юборган бўлур эди.

Воқеаларнинг шундай ривожига йўл қўймаслик мумкинми?

Социалистик мамлакатлар ҳа, мумкин деб ҳисоблайдилар.

Масалан, Мадриддаги учрашувда узоқ давом этган кескин сиёсий кураш жарадёнида маълум кучларнинг тутган йўлига қарамай давлатларнинг ғоят кўпчилиги ўзаро мақбул қарорга келиш йўлини танлаб олганлиги диққатга сазовордир. Бу — умид баҳш этувчи соғлом белгидир. Бу учрашувни муваффақиятли тугаллаш, Хельсинки Якунловчи актининг руҳи ва ҳарфига тамомила мувофиқ равишда ижобий жараёнларни давом эттиришни таъминлаш лозим.

Европа мамлакатлари халқларининггина эмас, бошқа халқларнинг ҳам ҳаётий муҳим манфаатлари қитъада ядровий қуролланиш пойгасига йўл қўймаслик, бу ерда мавжуд бўлган ва ўртача олисликка мўлжалланган ядровий қурол сонини қисқартириш зарур эканлигини талаб қилмоқда. АҚШ ва НАТО вазиятга сергаклик билан баҳо бериб, музокараларга бир томонлама ва самарасиз ёндошишдан, Совет Иттифоқини бир томонлама қуролсизлантиришга эришиш йўлидаги интилишга асосланган бундай ёндошишдан воз кечган тақдирда музокараларда муваффақият қозониш мумкин.

Азиз ўртоқлар, бизнинг учрашувимиз СССР билан Венгрия ўртасидаги ҳар томонлама қардошлик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга далда берувчи янги восита деб айтсам, аминманки, ҳаммамизнинг фикримизни изҳор қилган бўламан. Бу учрашув тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, социализмнинг порлоқ идеаллари учун курашда социалистик мамлакатларнинг ички ва принципиал йўлини жуда яқол намойиш қилади.

Ўртоқ Кадарнинг, Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси аъзоларининг соғлиги учун.

Бузилмас совет—венгер дўстлиги учун!

Европада ва бутун жаҳонда тинчлик учун! — қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Сўнгра Я. Кадар нутқ сўзлади.

## Ўртоқ Я. КАДАР нутқи

Муҳтарам ўртоқ Андропов!

Совет иттифоқилик азиз дўстлар!

Ўртоқ Андроповнинг табрик сўзлари учун, Совет Иттифоқига келишга таклиф этилганлигимиз учун, самимий, дўстона қабул қилиб олинганимиз, москваликлар, совет халқининг меҳмондўстлиги учун Венгрия партия-ҳукумат делегацияси номидан самимий миннатдорчилик изҳор этаман. Шу мавртдан фойдаланиб сизларга, сизлар орқали Совет Иттифоқи коммунистларига, барча совет халқига Венгрия коммунистлари, венгер халқининг қардошлик саломларини ва самимий эзгу истакларини топшираман.

Азиз ўртоқлар!

Партиямизнинг сиёсати, халқимизнинг ишини ёқлаб гапирган сўзлари учун ўртоқ Андроповга миннатдорчилик билдирамиз. Партия-ҳукумат делегациямизнинг визити мамлакатларимизнинг аҳволи тўғрисида бир-биримизни хабардор қилишга, социализмни бунёд этиш йўлида орттирилган энг янги тажрибаларни бир-биримиз билан баҳам кўришга, кўп ёқлама ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқишга, иккала томонни қизиқтирувчи халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олишга имкон беради.

Социалистик ижтимоий тузум бир неча қитъаларни ўз ичига олувчи жаҳон системасига айланганлиги натижасида ҳозирги кунларда ҳар бир социалистик мамлакат социалистик бунёдкорлик назарияси ва практикасини бойитишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Айни пайтда Ленин партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социализм учун курашда, ривожланган социалистик жамият қуришда орттирган бой тажрибасининг алоҳида аҳамияти венгер коммунистларига ҳамиша равшан эди.

Делегациямиз социализм ғоялари илк бор амалга оширилган мамлакатга келди. Ким бўлмасин, яъни демасин, Совет Иттифоқининг халқлари капиталистик зулмни дунёда биринчи бўлиб улоқтириб ташлаганлиги тарихий фактини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Эксплуатация ва миллий зулм нималигини билмайдиган тенг ҳуқуқли халқларнинг эркин жамияти айни шу ерда илк бор қурилди. Иккинчи жаҳон уришида Совет Иттифоқи халқлари энг кўп қурбонлар бериб фашизмни тормор келтиришга ҳал қилувчи ҳисса қўшганлиги ва шу билан инжимой тараққиёт, демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ва эркинликлари, миллий мустақиллик ишига кўмак берганлиги афкор омма билади ва ёдида тутади. Совет Иттифоқининг халоскорлик кураши натижасида бошқа мамлакатлар билан бирга бизнинг Ватанимиз ҳам ўз мустақиллигини қайтариб олиб, мустақил социалистик тараққиёт йўлига кирди.

Совет Иттифоқининг мавжудлиги ва тараққиёти туфайли жаҳонда империализмнинг якка ҳукмронлигига чек қўйилди, халқлар ва мамлакатларнинг тақдирини империализм бир ўзи ҳал эта оладиган замонлар ўтиб кетди. Совет давлати ташкил топган пайтдан бери тинчлик учун зўр бериб курашмоқда, ҳозирги пайтда ҳам бутун дунёда тинчликни ҳимоя этаётган асосий таянч бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси коммунизмга қарши, советларга қарши ҳеч бир пропаганда ўзгартира олмайдиган тарихий фактлардир.

Социалистик жамият қуришда эришган улкан натижаларингиз партиямизга венгер халқига яхши маълум. Эришган ҳар бир муваффақиятингиздан хурсандмиз ва совет халқи ўзининг ленинчи партияси раҳбарлигида социализм қуришнинг навбатдаги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишига ишончимиз комил.

Ўртоқлар!

Шу йилнинг апрелида Венгрия социалистик ишчи партиясининг Марказий Комитети сўнгги съездда қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқиб, актуал вазифаларни белгилаб берди. Марказий Комитет Венгрия Халқ Республикасида халқ ҳокимияти мустаҳкамлигини, партия жамиятнинг эътироф этилган етакчи кучи эканлигини таъкидлади. Венгрия меҳнаткашлари партиянинг сиёсатига қўшилиб, уни ўз ишлари билан қўллаб-қувватламоқда ва бу Бути турмушнинг ҳамма соҳаларида, ВСИПнинг XII съездди белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда, ҳар бир куннинг ишларида ва зафарларида кўриш мумкин. Халқимиз съезд белгилаб берган йўлдан мустаҳкам ва изчил боришга тайёр эканлигини ишончли равишда айтиб қолмоқчиман.


Ўртоқ Я. Кадар ва Венгрия делегацияси аъзоларининг Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳақида

Ўртоқ Я. Кадар ва Венгрия делегацияси аъзоларининг Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳақида ТАСС ахборот берди.

Ўртоқ Я. Кадар ва Венгрия делегацияси аъзолари Ўзбекистонда 19 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин ва бошқа раҳбар ходимлар билан учрашдилар.

Ўртоқ Я. Кадар ва Венгрия делегацияси аъзолари Ўзбекистонда 19 июль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин ва бошқа раҳбар ходимлар билан учрашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов



*

Республикамиз олимлари Тошкентнинг 2 минг йиллигини муносиб нишонлаш учун тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энергетика ва автоматлаштириш институти коллективи ҳам бирмунча муваффақиятларни қўлга киритди.

Суратда: институтнинг юқори кучланишли тажрибалар майдончасида тадқиқот пайти.

*

# ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЖОНКУЯРЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Областимиз экономикасининг барча тармоқларида бу муҳим техник-иқтисодий кўрсаткични юксалтириш йўлида жуда кўп иш қилинмоқда. Шу мақсадда, айниқса, техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, технологияни такомиллаштириш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган янги, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилишга катта эътибор берилмоқда.

Катта аҳамиятга молик бу муҳим ишда илмий-техника жамиятлари (ИТЖ) ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларининг муваффақиятли бажарилишига, халқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантириш юзасидан улкан режаларнинг амалга оширилишига ҳисса қўшиш иштиёқи билан кенг кўламда ижодий изланиш олиб бораётган бу ташкилотлар аъзолари кўплаб қимматли таклифлар билан чиқмоқдалар. Уларни жорий қилиш эса аввало меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш, техник-иқтисодий кўрсаткични юксалтиришга сезиларли даражада ёрдам бермоқда.

Техника тараққиёти жонкуярлари ўн биринчи беш йиллик бошидан бери ишлаб чиқаришни намунали такомиллаштиришга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширдилар. Унинг биринчи ярмида фан ва техникани ривожлантириш, мавжуд ички резервларни аниқлаш ва ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўттиз мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билан чиқдилар. Уларнинг анчаси мураккаб техник муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Илмий-техника жамияти аъзоларининг яқиндан берган ёрдами туфайли фақатгина ўтган йили 120 дан ортиқ асбоб-ускуналар, анжомлар, материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, 160 га яқин янги технологик жараёнлар, 19 та механизациялашган ва автоматлашган линиялар жорий қилинди, 28 цех ва ишлаб чиқариш участкалари комплекс механизациялаштирилди.

Жамият аъзолари ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, техника эстетикасини жорий қилиш, мавжуд асбоб-ускуналарни модернизациялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, қўл кучи сарфини камайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда тобора кенг иштирок этмоқдалар. Бевосита уларнинг кучи билан меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича 1330 та тадбир кўрилди, юзлаб асбоб-ускуналар қайта тикланди ва қуввати оширилди. Шуларнинг ҳаммаси бир йил давомида меҳнат унумдорлигининг сал кам уч процент ортишига ёрдам берди.

Янгилик ихлосмандлари бўлган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳам фан-техникани тараққий эттиришда муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, озиқ-овқат ва қатор бошқа саноат тармоқларида техника тараққиёти асосий кўрсаткичлари бўйича план топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида Грузия республикаси илмий-техника жамиятининг «Ҳар бир ИТЖ кенгаши — ишлаб чиқариш резервларини излаш штаби бўлсин» шиори остида бошланган ташаббусининг кенг ёйилиши айни муддао бўлди. Бу ҳаракатга қўшилган 500 дан ортиқ ИТЖ бошланғич ташкилотлари кенгаши корхоналар ва бирлашмалар ишлаб чиқариш-техника советлари вазифаларини бажаришни ўз зиммаларига олдилар. Бу жамият аъзоларининг ижодий ташаббуси кучайишига ёрдам бермоқда. Натижада уларнинг ишлаб чиқариш коллективлари меҳнати самарасининг янада салмоқли бўлишига қўшаётган ҳиссалари кўпайди.

Менделеев номидаги Бутуниттифоқ кимёгарлар жамиятининг Олмалиқ химия заводидаги кенгаши фаолиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ишлаб чиқариш-техника кенгаши вазифасини бажараётган бу ташкилотнинг ўтган йилдаги иши натижаси жуда баракали бўлди. Тиниб-тинчимаслар янги техникани жорий қилиш ва меҳнатни илмий ташкил этишга қаратилган йигирма битта тадбирни амалга оширишга кўмаклашдилар. Бунинг натижасида олинган иқтисодий фойда 1 миллион 548 минг сўмликни ташкил этди. Фақатгина марказдан қочувчи насосларни такомиллаштириш юзасидан кўрилган чора 530 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаш қолиш имконини берди. Бу тадбирлар, айниқса, ёрдамчи цехларда ишнинг механизация даражасини оширишга сезиларли даражада ижобий таъсир этди.

Тошкент агрегат заводи илмий-техника жамияти аъзоларининг ташаббуси ҳам рий қилинди. Ҳаммаси бўлиб эса 300 дан ортиқ ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилдики, бу ҳар йили юзларча минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолиш имконини бермоқда.

Чирчиқ трансформатор заводидаги бошланғич ташкилот аъзоларининг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳал қилинишига қўшаётган улушлари салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, ташкилотнинг ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш билан шуғулланувчи секцияси самарали ишламоқда. Кейинги вақтларда шу секция аъзоларининг фаол иштироки билан 105 та ташкилий-техникавий тадбир амалга оширилди. Бу билан сал кам юз ишчи кучи тежалди, меҳнат сарфиёти 171 минг нормасоат камайди. Бундан кўрилган иқтисодий самара 400 минг сўмликка яқин бўлди. Трансформаторларнинг бир турини такомиллаштириш ҳисобига ҳар бир шундай агрегат таннархи 5 минг 100 сўмлик камайди.

Областимиздаги бошқа ўнлаб саноат корхоналаридаги ИТЖ бошланғич ташкилотлари ҳам ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни олиб бормоқдалар. Шундай экан, ҳамма жойда бу жамият аъзолари фаолиятини янада кучайтириш, изланишлари самарасининг ортишига эришиш, бунинг учун уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, янги техника ихлосмандлари ни моддий ва маънавий рағбатлантиришни кенг йўлга қўйиш керак. Улар ўзларининг ишлари билан аввало меҳнат унумдорлигининг ортишига самарали ҳисса қўшмоқдалар. Унумдорликни ошириш эса даврнинг энг долзарб вазифасидир.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

*МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ БОШ ВАЗИФА*

# ЖИДДИЙ ИМТИҲОН ДАВРИ

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳозир КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми руҳи билан яшамоқдалар. Янги кишини шакллантириш ва камол топтириш ленинча партиямизнинг ҳамиша биринчи галдаги вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолияпти. Пленумда коммунистик онгни шакллантириш, коллектив ўртасида олиб борилаётган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш юзасидан партия ташкилотларига аниқ йўлланма берилди. Ҳозир бутун фаолиятимизни Пленум талаблари асосида ташкил этиб меҳнат коллективлари ижодий куч-ғайратини оширишга, тарбиявий ва хўжалик вазифаларини комплекс тарзда ҳал этишга қаратмоқдамиз.

Бошқармамизда 563 коммунист ва партия аъзолигига кандидат меҳнат қилмоқда. Улар 11 цех ва 29 партия группасига бирлашган. Ҳозир қуйи ячейкалар учун жиддий синов даври бошланмоқда. Август ойида партия группаларида, кейинроқ цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш ниҳоятда масъулиятли даврдир. Ўтган йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам бошқарма партия комитети тайёргарлик ишларини цех партия ташкилотлари ва партия группалари билан бамаслаҳат партбюронинг ва партия группаси ташкилотчиларининг бўлажак составини кўриб чиқишдан бошлади. Июнь ойининг бошларида партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш графигини тасдиқлади. Ҳар бир партия группаси ва цех партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича партком аъзоларидан масъул кишилар тайинланди.

Хўжалик раҳбарлари ва цех партия ташкилотлари секретарлари билан ўтказилган йиғилишда ҳам ҳисобот ва сайловларга ҳозирлик масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Секретарларга йиғилишларда коммунистларнинг тўла иштирокини таъминлаш зарурлиги уқтирилди. Йиғилишларда барча коммунистлар иштирок этган тақдирдагина муҳокама кизғин бўлади, амалий таклифлар кўпроқ тушади.

Капитал ремонт ва профилактик ремонт цехлари коммунистлари битта партия группасига бирлашишган. Улар 18 киши. Коммунистлар ҳиссаси билан ҳар иккала цех коллективи 2-трамвай депоси бўйича ўтказилаётган мусобақада ҳамиша ғолиблик қилиб келмоқда. Партия группаси цех ва бригадалар томонидан вазифалар қандай бажарилаётганлигини мунтазам назорат қилиб турибди, туғилаётган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беряпти. Партия группаси бошланғич партия ташкилотининг бир бўлаги сифатида омма эътиборини ремонт ишлари сифатини оширишга, вагонларнинг мунтазам ҳаракатини таъминлашга қаратмоқда.

Партия группасининг ҳар бир аъзоси махсус топшириқларга эга. Уларнинг кўпчилиги пропагандист, агитатор, сиёсий ахборотчи сифатида ўз участкаларида катта оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқдалар. Ҳар бир цех Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига ўз зиммасига конкрет топшириқ олган. Ҳозир шу мажбуриятлар асосида вагонларга радио қурилмалар ўрнатиляпти, компостёрлар янгиланяпти. Юбилей шарафига олинган мажбуриятларнинг бажарилишига Р. Тўлаганов, В. А. Чайников, В. М. Бочкарев каби коммунистлар айниқса, кўп ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳисобот даврида илғор коммунистларимиз бир қатор таклифлар билан чиқдилар. Жумладан, К. Назаров эҳтиёт қисмлари олишда янги усулни тавсия этди. Унинг таклифи билан ишлатиб бўлинган эҳтиёт қисмлари топширилгач ўрнига янгиси бериляпти. М. Аитов эса профилактика ремонти цехи электр слесарларини бригада пудрати усулида ишлашга ўтказишни таклиф қилди. Бу таклиф вақтдан унумли фойдаланиш, иш сифатини яхшилаш, прогулларни қисқартириш имконини бермоқда.

Коммунистларимиз ҳозирги кунда ҳисобот-сайлов йиғилишига намунали тайёргарлик кўриш ва уни активлик билан ўтказиш тадбирларини белгиламоқдалар. Ҳисобот докладини тайёрловчи махсус группа капитал ва профилактик ремонт бўйича бажарилган йиллик ишларни яна бир бор кўздан кечириб чиқмоқда. Уч кишидан иборат комиссия эса йиғилиш қарори лойиҳасини тайёрлашга жалб этилган. Коммунистлардан икки киши йиғилиш ўтказиладиган хонани ҳозирлайди. Шу тариқа барча коммунистлар тайёргарлик ишларида актив қатнашмоқдалар.

Йиғилишни танқид ва ўзўзини танқид руҳида ўтказишга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Ҳисобот докладини тайёрловчи комиссия аъзолари текширув пайтида бажаридмай қолган ишларни алоҳида рўйхатга олмоқдалар. Айни пайтда идеологик оммавий-сиёсий ишларни намунали уюштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бу тавсияларга КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўла сингдирилган.

Йиғилишда ҳам хўжалик, ҳам сиёсий-тарбиявий ишлар комплекс тарзда таҳлил қилиниши табиий. Чунки, июнь Пленуми қарорларида ҳам тарбиявий ишларни хўжалик ишларига боғлаб олиб бориш зарурлиги уқтирилган.

Бошқармамиздаги бошқа партгруппалари ҳаётида ҳам мана шундай қизғин дамлар давом этяпти. Ҳеч шубҳа йўққи, ҳисобот-сайлов йиғилишлари барча партия группаларида коммунистларнинг тўла активлигида ўтади, бутун куч ва ғайрат беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини тўла бажаришга сафарбар этилади.

**С. ҚУРБОНҚУЛОВ,**
**Тошкент 2-трамвай депоси капитал ва профилактик ремонт цехлари партия группаси ташкилотчиси.**

*ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР*

# ҲАР ИШДА ҲОЗИР

Валентина «Подземгаз» станциясига оддий ходим бўлиб ишга келган эди. У ўз устида кўп ишлади, ўқиди, малакасини оширди. Оператор бўлди. Ҳозир эса таниқли инженер-технолог.

У раҳбарлик қилаётган сменанинг вазифаси ускуналарнинг тўхтовсиз бир меъёрда ишлашини таъминлашдир. Шаҳар Советининг депутати В. Ёқубова бошлиқ смена корхонада ўтказилаётган мусобақада доимо пешқадамлар сафида бормоқда. Ўтган йили бу коллектив юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, узоқ муддат авариясиз ишлаётганлиги, жамоат ишларидаги активлиги учун коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишга муяссар бўлди.

В. Ёқубова корхонанинг энг обрўли мураббийларидандир. Ёшларга касб ўргатишдан ҳеч қачон эринмайди. У меҳнат фаолияти давомида 12 кишига операторлик касбини ўргатди. Шогирдлари эса ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, устоз ишончини оқламоқдалар.

Депутатнинг ўзи ҳам ишлаб чиқаришда илғор бўлиши билан бирга жамоат ишларида актив қатнашади. Сакқиз йилдирки, газогенератор цехи ўртоқлик судининг раиси, корхона хотин-қизлар Советининг аъзоси, цех касаба союз ташкилотининг аъзосидир.

— КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми олдимизга катта вазифалар қўйди, — дейди В. Ёқубова. — Биз жамоат ишларини олиб боришда идеологик, оммавий-сиёсий ишларга катта аҳамият бермоқдамиз. Корхона маъмурияти ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширяпти. Лекин бу ўринда меҳнат коллективларининг ролини ошириш ҳақидаги Қонунда таъкидланганидек жамоат ташкилотларининг, депутатлик группаларининг ҳам роли катта. Чунки, жамоат ташкилотлари халққа энг яқин ячейкалардир. Орамизнинг онги ва меҳнат ғайратини яхшилаш, квартира олиш, фарзандларини боғчага жойлаштириш, оилавий аҳволлари ва бошқа турли масалалар, илтимослар билан мурожаат қилишади, маслаҳатга келишади.

У ўзи аъзо бўлган 3-депутатлик группаси ишини ташкил этишда, тадбирларни ижчил амалга оширишда фаол қатнашади. Группа штаби «Углеразведка» посёлкасида жойлашган. Бу ерда сайловчиларни қабул қилиш графиги қатъий белгиланган. Группа аъзолари ҳар ой ўз йиғилишларига тўпланиб, шу куннинг актуал масалаларини муҳокама қиладилар. Тушган ариза ва шикоятлар ўрганилади.

Депутатлик группаси аъзолари ўз сайловчиларини шаҳар Советининг фаолияти, халқ хўжалик ҳамда маданий қурилиш планларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар билан таништириб боради.

Яқинда аҳолидан посёлка территориясидаги магазинларга сут маҳсулотлари кам олиб келинаётганлиги, шу туфайли аҳоли бу маҳсулот билан қониқарсиз таъминланаётганлиги ҳақида шикоят тушди. У тегишли ташкилотлар билан алоқа боғлади. Тез орада аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди.

В. Ёқубова соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича доимий комиссия аъзоси сифатида шаҳар ижроия комитетининг йиғилиши ёки сессияларида бундай масалаларнинг муҳокамасида ҳам актив иштирок этади. Ҳар ишда ҳозир, актив депутат фаолиятидан ҳамма мамнун.

**Н. ИВАНКИНА,**
**Б. ПУЛАТОВ,**
**Ангрен.**

# ҲАШАРЧИ СТУДЕНТЛАР

**Тошкент область педагогика институтининг студентлари Ангрен комсомол-ёшлари ўртасида ибрат бўлгудек ишни амалга оширдилар. Ёзги имтиҳонлар давом этаётган бир пайтда улар бўш вақтларини Оҳангарон ва Бўка далаларида ўтказишга қарор қилдилар. 1,5 мингдан зиёд бўлғуси педагог дала меҳнаткашларига ем-хашак тўплашда яқиндан кўмаклашдн.**

**Қатор факультетларнинг студентлари мажбуриятларни ошириб бажардилар. Табиий-математика факультети студентлари эса пландаги 61 тонна ҳамда қўшимча 21 тонна пичанни биринчи бўлиб топширдилар.**

# ФАРИДАНИНГ ТАШАББУСИ

ИЮНЬ ойининг бошларида мактабимиз битирувчиси Фарида Валиева ажойиб ташаббус билан чиқди. У мактабда қуёнчилик фермаси ташкил этишга қарор қилди. Дурадгор Лутфираҳмон Ғаниевнинг ёрдами билан ўқувчилар қуёнларни асраш учун катакли яшикчалар тайёрлашди. Фарида ўз уйида парвариш қилаётган қуёнларидан 35 тасини мактаб коллективига совға қилди.

Айни кунларда бу қуёнлар яхши парвариш қилинмоқда. Уларнинг сони ортиб боряпти. Мактаб ўқувчилари Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар давлатга 300 килограмм кўён гўшти ва 200 дан ортиқ қуён терисини топширишга аҳд қилганлар.

Фарида Валиеванинг ташаббуси билан бунёд этилган «Кичик ферма» кунданкунга кенгайиб боряпти. Ҳозирги каникул кунларида ҳам ўқувчиларимиз навбат билан қуёнларни парвариш қилишмоқда.

**И. ТЎЛАЕВ,**
**Оққўрғон шаҳридаги Ломоносов номли 11-ўрта мактаб илмий бўлим мудири.**

**Тошкент тўқимачилик комбинати 3-филиалининг аҳил коллективи йил охиригача 7,5 миллион метр хом суруп ва 700 тонна товар калава тайёрлашга сўз берган. Бу юксак мажбуриятни бажариш мақсадида ўтказилаётган социалистик мусобақа айниқса самарали бўляпти. Илғор тўқувчилар смена топшириқларини знёдаси билан бажариш билан бирга ҳамкасбларини ҳам юқори суръат билан ишлашга даъват этишяпти.**

**Суратда: «Социалистик мусобақа ғолиби» вимпелини олишга сазовор бўлган Дилфуза Раҳимова айни пайтда графикдан бир ой илгарилаб меҳнат қиляпти.**

**В. Сироткин фотолари.**

# ОДАМЛАРНИ ИШОНТИРИБ

УСМОН ака КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми, СССР Олий Совети VIII сессияси материалларини ўқир экан, газетанинг баъзи жойларига белги қўйиб, айрим рақамларни эса ён дафтарчасига ёзиб олар эди. Оқшом қўнгач, газеталарни йиғиштириб дафтарчасини қўлга олдида уйдан кўчага чиқди.

...Колхоз автогаражи ҳовлисида механизаторлар тўпланишган. Ҳамма қулай жой топиб ўрнашиб олган. Атроф жим-жит. Барча Усмон аканинг сўзларини диққат билан тинглайди. У июнь Пленуми материаллари юзасидан суҳбат ўтказмоқда:

— Июнь Пленумида онгли коммунистик интизомни мустаҳкамлаш зарурлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди, — деди у пировардида.— Ҳозиргача колхозимиз давлатга пилла, жун, қарам топшириш юзасидан белгиланган йиллик планларини бажарди. Бошқа соҳалардаги муваффақиятлар ҳам сиз механизаторларнинг юксак унум ва интизом билан ишлашингизга боғлиқдир.

Кекса коммунист сўзини тугатиб, механизаторларнинг кўёшда тобланган чеҳраларига назар, солди. Уларда акс этган қатъият, масъулият туйғуларини қўриб, ўзининг бугунги суҳбати тингловчилар қалбига ва онгига етганлигини ҳис этди. Сўнг эртага қўшни бригада дала шийпонида ўтказадиган суҳбати мавзусини ўзича белгилаб қўйди.

Усмон ака эсини таниганидан бери одамлар орасида. У 1928 йили ўз қишлоғи Хондайлиқда очилган саводсизлик курсини битиргач партия, комсомол ячейкалари йўлланмаси билан Тошкентда ўқишни давом эттирди. К. Липкнехт номли меҳнат мактаби, пахтачилик техникуми, кейинроқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлади. Маълум вақт «Ёш ленинчи» газетасида бўлим мудири, Чирчиқдаги «Стахановчи» газетасида редактор ўринбосари, редактор бўлиб ишлади. Урушдан қайтгач яна партия ишини давом эттирди. Дастлаб у Бўстонлиқ район партия комитетида инструктор бўлиб ишлади. Сўнгра бир неча йил давомида «Ленинград» колхозига раҳбарлик қилди. Хўжаликни оёққа турғазди. Хизматлари эвазига у Ленин ордени билан тақдирланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, партия уни қаерга, қайси ишга юбормасин, ҳамма ерда у раҳбар, пропагандист, сиёсий ахборотчи сифатида Коммунистик партия ғояларини оммага тушунтирди. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдек муҳим вазифани сидқидилдан бажариб келди.

Мана, ўн йилдирки, Усмон ака Умаров пенсияда. Лекин одамларга, меҳнатга ўрганган киши уйда тинч ўтиролмас экан. Уни К. Маркс номли колхоз граждан мудофааси штабига бошлиқ қилиб қўйишди. Айни пайтда у идора коммунистлари ўқиётган марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандисти, сиёсий ахборотчи сифатида дала шийпонлари, чорвачилик фермаларида қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказяпти. Усмон ака қаерда бўлмасин колхозчилар уни зўр қизиқиш билан қарши олишади. Сўзларини жон қулоқлари билан тинглашади. Энг муҳими — унга ишонишади.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**Бўстонлиқ райони.**

*АКТИВ ЖАМОАТЧИЛАРИМИЗ*

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

# ҚЎЛЛАГАН ЮТҚАЗМАС ЭКАН

«ПАРКЕНТВОДСТРОЙ» трестида эндиликда бригада пудратини пропаганда килишга ҳожат ҳам қолмади. Эски усулда меҳнат қилаётган коллективлар хўжалик асосида иш юритаётган бригадаларнинг амалдаги ютуқларини кўргач янги усулга ҳайриҳоҳлик билдирмоқдалар. Бу эса пудратчи бригадаларнинг кўпайиб боришини таъминлаяпти.

Айни пайтда трестда 19 та бригада янги усулда ишлаяпти. Бу коллективларнинг изланувчанлиги ҳамда илғор иш усулларини қўллаши яхши натижалар беряпти. Улар авваллари базўр планларини уддалаган бўлсалар, эндиликда илғорлар сафидан ўрин олиб, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг ижобий таъсир кучини амалда ҳис қилмоқдалар.

Трест 5-механизациялашган кўчма колоннасининг Николай Пушкин бошчилигидаги бригадаси янги методни қўллаб, барчага ибрат бўлаётган коллективлардан. Бу бригада комплекс бўлиб, бунёдкорлар объектнинг пойдеворидан тортиб то уни фойдаланишга топширгунга қадар қилинадиган ишларнинг барчасини ўзлари бажарадилар. Авваллари бригада кўп ҳолларда оқсаб, топшириқларни бажара олмасди. Эндиликда пешқадамлар ҳақида гап кетганда уларни биринчи бўлиб тилга олишади

— Коллективимизда 21 киши меҳнат қилади,— дейди бригада сардори Н. Пушкин.— Ўтган йилнинг бошларида янги усулда ишлашга киришдик. Авваллари айрим ишчилар қурилиш материалларининг ўз вақтида келтирилмаслигини баҳона қилиб, вақтни бекор ўтказишга ҳаракат қилишарди, ишга жон-дилдан ёпишмас эдилар. Бригада пудратига ўтишимиз уларнинг ўз ишларига бўлган муносабатларини бутунлай ўзгартириб юборди. Бинокорлик материаллари етказиб бериш графигининг тузилиши айни муддао бўлди... Ҳозирга келиб бу ҳаракатларимизнинг самарасидан ҳаммамиз мамнунмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, авваллари ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 200—250 сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир 400 сўмгача маош олияпмиз.

Дарҳақиқат, бу бригаданинг амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовордир. Йил бошидан бери бригада азаматлари ҳар бири 67 квадрат метрдан бўлган олтита уйни қуриб битказиб, ўз эгаларига топширдилар. Шундан сўнг «Чотқол» совхозида бир неча турар-жой бинои тикланди. Айни пайтда эса райондаги «Водник» посёлкасида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилияпти.

**М. МИРКАМОЛОВ,**
**Паркент райони.**

# ПАЙКАЛДАГИ ТУНГИ ЧИРОҚЛАР

Сувчилар билан юракдан мириқиб суҳбатлашиш, ташвиш ва ўйларидан тўла воқиф бўлиш учун улар билан тонг палласи учрашган маъқул экан. Шу мақсадни кўзлаб Пискент районидаги Тельман номли колхознинг Қодир Исметов бошлиқ бригадаси дала шийпонига барвақт етиб келдик. Бригада бошлиғи билан суҳбат қуриб турган эдик, шу тобда бир дона кўсакни қулоғига кистирганча ўрта бўйли, қорачадан келган киши келиб қолди. Мен уни яхши биламан. Бригаданинг миришкор сувчиси Мусурмон Қурбонов бўлади. Содда, тиниб-тинчимас, заҳматкаш деҳқон. Қизиқ табиати бор. Баъзида ишларни шогирдига топширади-да, ўзи колхознинг бошқа бригадаларига бирров айланиб келиш учун чиқиб кетади. Ўзининг гапи бўйича «разведка» қилади. Йўл-йўлакай ҳамкасблари билан маслаҳатлашади, биридан ўрганиб, бирига ўргатиб қайтади. Баъзи-баъзида ҳазилмутойиба қилиб, айримларга тегишиб ҳам ўтади.

— Мулла Эргашбой, вақт кутиб турмайди, отни қамчиланг. Биз учинчи сувни тугаллаб, салкинга чиққанимиз қачон эди.

Эргашали Моев бу гапга лом-мим деёлмай қолади-да, ишга янада жиддийроқ киришиб кетади. Мусурмон ака эса йўлида давом этиб, ёшроқ сувчини тергаб қўяди:

— Укам, сувни эгатларга жилдиратиб таранг. Жўякларда жилдираган сувда ҳикмат кўп. Этагига туширишга ошиқманг. Қоғозни мана бундоқ босинг, уқдингизми, ҳа, баракалла.

Бу жонсарак деҳқоннинг далаларни айланиб, ўз бригадасига келганда кўринг.

— Биз ҳам пахта етиштиряпмиз, деб юрган эканмиз-да,— дейди куйиб-пишиб.— Бошқалар биздан аллақачон ўзиб кетишибди. Ана гул-у, ана кўсак. Ғўзғуж. Қўёш нурида товланиб, кўзни олади-я. Ҳали ҳам вақт бор, тезроқ ҳаракатимизни қилмасак бўлмайди, догда қоламиз.

Бригада аъзолари тарадудланиб қолишади. Мусурмон ака бўлса енгларини шимаради-да шитоб билан ишга кириб кетади. У сув ининг оқишини кузатади, қоғозларни янгилайди. Ҳар бир эгатдаги сувнинг ўлчови, оқиш меъёри, қанча вақтда оёқланиши диққат-эътиборида бўлади. Бу борада гўё ҳар туп ғўза бир фарзанду, у меҳрибон отага айланади. Унинг назарида барча ғўза бамисоли тирик жон. У ҳам нафас олади, очқайди, баъзан эса касал ҳам бўлади. Лекин дардини ҳар кимга ҳам айтавермайди. Гапни гапир ўққанга деганларидек, ўзининг чин соҳибига ёрилади. Бу дала соҳиби эса Мусурмон акага ўхшаган бободеҳқонлардир. Уларга ҳар туп ғўзанинг эрта баҳорда униб чиқиши бир байрам бўлса, гуллаши, кўсак тугиши, очилиши бир байрам.

Мана, ҳозир ҳам қаршимизда лотереясига ютуқ чиққан кишидек қувониб ўтирибди. Оғзи қулоғида. Ўқтин-ўқтин дўпписини олиб, бошини силаб қўяди. Чорак асрдирки, у колхозда бош сувчилик вазифасини сидқидилдан ўтаб келяпти. Бу йиллар мобайнида ҳосилдорликни ошириш муносиб ҳисса қўшди. У оби-ҳаёт тараган пайкалларда доимо пахтадан мўл ҳосил етиштирилади. Колхозда ҳамма уни ҳурмат қилади. Сабаби — бир хўжаликда ишлаб кам бўлаётгани йўқ. Ўн фарзанд-нинг отаси. Турмуш ўртоғи Ҳури опа Қурбонова ҳалол меҳнатлари эвазига Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланган. Мусурмон ака эса «Москвич-412» енгил автомашинаси билан мукофотланди.

Тажрибали сувчини шийпонга келганидан суюниб, ҳол-аҳвол сўраймиз.

— Ғўзамиз яхши — биз яхши,— дейди у кулиб.— Ҳозир беш марта культивация ўтказиб, уч марта обиҳаётга қондирдик. Бир марта кетмон чопиғи қилдик. Натижада шоналар гулга, гуллар тўқ кўсакларга айланяпти. Эрта-индин тўртинчи сув тарашни бошлаймиз.

— Тўртинчи суғориш анча масъулиятли бўлса керак-а?

Суҳбатдошимизнинг чеҳраси ёришиб, завқ билан гапга тушди.

— Нимасини айтасиз,— дейди у кўзларидан нур таратиб.— ҳосил тақдири асосан шу кунларда ҳал бўлади. Учинчи суғоришда ҳар бир картага сувни уч кунда оқизган бўлсак, галдагисида беш кунда оқизамиз. Сувни жўякларга лойқатмасдан, жилдиратиб тарашга эътибор берамиз. Тўртинчи сувни эгатнинг тепаси қорайиши билан ғўзанинг тагига етарлитмас тўхтатамиз. Шу меъёрдан ошиб кетса, ғўза сариқ барг бўлиб қолади, ғовлайди. Бу ҳосил тугунчаларини тўкиб юборишига олиб келади. Бунга асло йўл қўймаймиз. Ғўзаларни қўпроқ «шарбат» билан тунда суғорамиз. Бу гулларнинг эрта кўсаклашига имконият яратиш билан бирга, кўсакларнинг тўқ, салмоқдор бўлишини таъминлайди. Сув ҳам исроф бўлмайди.

Мусурмон Қурбонов пахта илмини «сув қилиб» ичиб юборган деҳқон. Энг муҳими, у хирмоннинг бут бўлиши ўзининг маҳоратига боғлиқ эканлигини, зиммасидаги шарафли бурчини яхши ҳис этади.

— Мусурмон ака сув қўйган пайкалда ҳосил мўл бўлади, у ишлаётган бригада мажбуриятини албатта оширади,— дейишади кўплар колхозда.

Дарҳақиқат шундай. Ўтган йили бригадада ҳар гектар ердан қарийб 53 центнердан хирмон кўтарилди. Бу йил эса 55 центнерга етказиш ишқида қураш олиб боришяпти. Ҳосилнинг мўл бўлишига Мусурмон Қурбоновнинг ҳамкасблари Жалил Абдураимов, Абдалим Саторовлар ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли Корасув ариғидан хўжаликка ўз вақтида оби-ҳаёт етаклаб келиниб, экинлар мириқиб суғорилмоқда.

Қодир Исметов етакчилик қилаётган бригададан ташқари, унинг ҳамкасблари бўлган Абдулла Аширов, Азиз Чахалов, Назира Алимбоева ва Ортиқ Мавлоновлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳам бўлдик. Бу ерда ҳам Мусурмон Қурбонов шогирдларини учратиб, улар билан ширин суҳбат қурдик. Хамма ерда ғўза парвариши шу кун талаблари асосида олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун ҳамма бирдек жон куйдириб, меҳнат қилмоқда.

**А. ФОЗИЛОВ.**

## СУВЧИ ҲАҚИДА ЛАВҲА

(Боши 1-бетда).

# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

рини ишлаб чиқариш, агрохимия, гилмоя ва алюминий, атом электр станциялари учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш каби бир қанча алоҳида муҳим саноат тармоқларида ихтисослаш ва кооперациялаш ривожланаётганлигини гоятда қадрлаймиз. Ҳозир визит кунларида иқтисодий ҳамкорлигимизни янада кенгайтирувчи янги муҳим битимлар имзоланганлиги қишини ҳурсанд қилади.

Ўртоқлар!

Музокаралар ҳозирги халқаро аҳволга баҳо беришда ҳам тутган позицияларимиз бир-бирига мослигини кўрсатмоқда. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукуматининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган янги муҳим ташаббусларига тамомила қўшиламиз. Совет Иттифоқининг ядровий қуролларни кўпайтирмаслик хусусидаги таклифини табриклаймиз, Совет Иттифоқи ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида бир томонлама олган мажбуриятини юксак даражада қадрлаймиз.

Сиёсий мудофаа ташкилотимиз — Варшава Шартномаси сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгашидан бери ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу кенгашда қабул қилинган декларациянинг моддалари бугунги кунда ҳам актуал ва ҳақиқийдир, шу ҳужжатни кўшма халқаро фаолиятимизнинг негизи деб ҳисоблаймиз. Бизнинг умумий баҳомизга кўра, АҚШ ва НАТО-блокининг экстримист доиралари қуролланиш пойгасини кучайтириш билан бирга кучларнинг тарихан вужудга келган мувозанатини бузиб ҳарбий жиҳатдан устунликка эришиш пайида бўлаётганлиги ҳозирги халқаро кескинликнинг асосий сабабчисидир.

Биз бундан бир неча ҳафта аввал, Европадаги етти социалистик мамлакат партия ва давлат арбобларининг Москвадаги учрашувида империалистлар ҳарбий жиҳатдан устунликка эга бўлишларига ҳеч бир йўл қўймаслик учун умумий азму қарор берганлигимизни яна бир карра изҳор этдик. Куч мувозанатини сақлаш бизнинг фикримизча, социалистик мамлакатлар халқларининг манфаатларигина эмас, шу билан бирга барча тинчликсевар халқларнинг ҳаётий манфаатларига ҳам хизмат қилади. Айни пайтда барча манфаатдор томонларга бирмунча паст қуролланиш даражасида баравар хавфсизликни гарантиялайдиган битимга музокаралар олиб бориш йўли билан эришиш мақсадимиз эканлигини таъкидладик.

Венгрия Халқ Республикаси бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга ядровий уруш хатарини камайтиришдан, қуролланиш пойгаси янги давраси бўлмаслигидан, ҳарбий қарамақаршилик даражаси камайишидан манфаатдордир. Биз низоли халқаро масалалар тинч воситалар билан ҳал этилиши тарафдоримиз. Жамики анжуманларда музокара олиб бориш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Вазият мушкуллигига қарамай, асосий хавф-хатарнинг олдини олиш учун имкониятлар бор деб ҳисоблаймиз. Буни уқтириш хоҳиш-истаккина эмас, балки эришса бўладиган реал мақсад эканлигига қатъий аминмиз. Социалистик мамлакатларнинг куч-қудрати ва икки жаҳон системасидаги мамлакатлар ўртасида ҳарбий кучларнинг мувозанати тинчликни сақловчи асосий омилдир. Бутун дунёда империалистик кучларнинг ниятларига қаршилик ўсиб — халқларнинг тинчликка бўлган хоҳиш-иродаси мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳам тинчликни ҳимоя этишга кўмаклашмоқда. Етакчи капиталистик мамлакатларнинг ўзида тобора кенг жамоатчилик доиралари сиёсий раҳбарларни масъулиятли бўлишга, сергакликка, ва шу йўлда иш кўришга ундовчи, урушга қарши ва ядро қуролига қарши ҳаракатларга қўшилиб бормоқда.

Тинчликни сақлаш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш нуқтаи назаридан қараганда Европа қитъасида ядровий тўқнашув хавфи кучаймай, балки йўқотилиши бугунги кундаги, энг муҳим ишдир. Европадаги ҳар бир халқ манфаати қитъамизга хавф-хатар кучаймаслигини, Американишт ўртача олисликка учириладиган янги ракеталари жойлаштирилмаслигини тақозо этади. Биз Совет Иттифоқининг ҳозироқ жойлаштирилган ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли сонини камайтиришни мақсад қилиб қўйган таклифларини қўллаб-қувватлаймиз. Музокараларда иккинчи томон — НАТО блокининг вакиллари ҳам масъулият ҳиссига, тинчлик ва хавфсизлик ялпи манфаатларига ёрдам бериш ниятларига амал қилсалар, биз аминмизки, битимга эришиш мумкин бўлади.

Ҳозирги кескин халқаро вазиятда социалистик мамлакатлар халқларимиз хавфсизлиги ва инсоният тинчлиги ҳимоясига баҳамжиҳат киришишлари айниқса жоиз ва муҳим деб таъкидлашни хоҳлардик. Венгрия Халқ Республикаси Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доираларида мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланиб боришига бундан буён ҳам қўлдан келганича ва имкони борича ёрдам бераверади. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан дўстлик, мустақиллигимиз, хавфсизлигимиз ва социалистик бунёдкорлик ишларимизнинг асосий халқаро таянчидир.

Муҳтарам ўртоқ Андропов!

Совет иттифоқилик азиз дўстлар!

Делегациямизни таклиф этганлигингиз учун яна бир карра миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга ҳозирги учрашувимиз ҳам Венгрия — Совет муносабатларини янада ривожлантиришга, халқларимизнинг манфаатларига, социализм ва тинчлик ишига яхши хизмат қилади, деб чуқур ишонч билдиришни истардим. Партия ва ҳукуматимиз Венгрия — Совет дўстлигини ривожлантиришни, иттифоқимизни мустаҳкамлашни, ҳамкорлигимизни кенгайтиришни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб ҳисоблайди, деб сизларни ишонтира оламан.

Сиз, қардош совет халқига коммунистик бунёдкорликда, тинчлик, халқаро хавфсизлик ва ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятда сидқидилдан янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Совет халқи ва унинг ленинчи авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учун!

Венгрия — Совет бузилмас дўстлиги учун!

Ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг ва бу ерда ҳозир бўлган барча совет дўстларимизнинг соғлиги учун! — қадаҳ кўтараман.

* * *

Ю. В. Андропов ва Я. Кадар ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## БИР ЯРИМ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

**ТОШКЕНТ районидаги С. Раҳимов номли колхоз чорвадорлари чорва қишловига мустаҳкам озуқа базаси яратишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Умуман хўжаликда ҳар йили ҳам мўл ем-хашак жамғарилади. Ҳозиргача озуқакорлар 1200 тонна сенаж, 262 тонна сомон, 482 тонна беда хашаги тайёрлаб қўйишди. 26 тонна ўт уни ишлаб чиқилди.**

**— Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир,— дейди ферма мудири И. Исроилов.— Озуқакорларимиз барча имкониятларни ишга солиб, камида бир ярим йилга етадиган миқдорда ем-хашак жамғаришга аҳд қилдилар.**

**Т. ЖЎРАЕВ.**

# ЯНА 25 КЎМАКЧИ

## ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА НАВБАТДАГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНДИ

ЎТКИР ака одатдагидек тонг энгинига бўзара бошлаганда иш бошлади. У фаррош. Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасида ишлайди. Кўп йиллардан бери бу касбни шарафлаб, жонажон шаҳримизнинг кўркам ва озода бўлишига муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Ўткир ака ўзига бириктирилган кўчанинг ярмидан супуриб-тозалаб бўлгандан кейингина ҳув наридаги газета-журнал киоскасининг очилганига ва почта машинаси унинг ёнига келиб тўхтаганига кўзи тушди. «Қолган жойни ҳам супуриб қўяқолай, кейин борарман, газета олгани». У яна ишга тушди-ю... сабри чидамади. Узун сопли супургини дарахтга суяб, ўзи киоска томон кетди.

Дўкончи иккаласи илиқ сўрашишди.

— Бугун кўринмаётганингизга «починни» бошқа одам қиларкан-да деб хавотирланиб тургандим, иним,— дея ҳазиллашган бўлди сотувчи опа. — Хайрият, ўзингиз келиб қолдингиз...

Ўткир Соипов бир нечта газета харид қилиб оларкан, худди имтиҳонига шайланаётган талабадек ҳиёл ҳаяжонланарди. Чунки, унинг ўз ҳамкасби ҳақида ёзган лавҳаси бугун-эрта газета саҳифасида чиқиб қолиши керак, редакцияда шундай дейишган эди.

У дастлаб «Тошкент ҳақиқати»ни варақлади. Учинчи саҳифага кўз югуртириши билан... ўз имзоси кўйилган мақолани кўриб, чеҳрасига табассум ёйилди, дили ёришиб кетди... «Фаррош» сарлавҳали мақолада узоқ йиллардан бери район ободонлаштириш бошқармасида ишлаб келаётган фидокор аёл, бирнечта орден ва медаллар кавалери бўлмиш фаррошнинг кундалик ишлари ва ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Ў. Соиповнинг бу мақоласи редакция «летучка»сида ҳам яхши баҳоланди. Сабаби — муаллиф ўз қаҳрамонининг ишини, ўй-ташвишларини яхши билади, ўзи у билан ёнма-ён ишлайди. Шунинг учун ҳам лавҳа самимий, содда, ишонарли тарзда ёзилган.

Сир эмас, хабар, корреспонденция, лавҳа ё бошқа жанрлардаги бирон бир материал ёзиш учун объектни, қаҳрамонни яхши билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ёза билиш ҳам керак. Лекин, газетага материал ёзишга ниятиққанд бўлган одам ёзиш маҳоратини қаерда, кимдан ўргансин. Ёзишни ўргатадиган мактаб борми?

Бор. Ишчи-қишлоқ мухбирлари университетлари ва мактабларида худди ана шунга ўргатилади. «Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университети фаолият кўрсатаётганига 20 йилдан ошди. Икки йиллик бу университетни ҳозиргача 400 га яқин турли касбга мансуб бўлган кишилар битириб чиқиб, иккинчи истеъдод эгаси бўлдилар. Шуниси характерлики, собиқ университет тингловчилари орасида журналистликни иккинчи истеъдод эмас, балки асосий касб қилиб олганлар ҳам анчагина. Ўзбекистон телевидениесининг редактори И. Рустамов, «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг ходими А. Носирова, Калинин район «Ленинчи» газетасининг масъул секретари Н. Қодиров, Оржоникидзе район «Коммунизм тонги» газетасининг бўлим мудири Қ. Йўлдошевлар шулар жумласидандир.

Университет машғулотлари икки ҳафтада бир марта, ҳар жума куни соат 18 да ўтказилади. Машғулотларда газета ва журналларнинг етук, тажрибали журналистлари жанрлар бўйича, жойлардан қандай қилиб факт олиш ва уни қандай ёзиш — маҳорат масалалари тўғрисида суҳбатлар, амалий машғулотлар ўтказадилар, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг ўқитувчилари лекциялар ўқишади, донгдор ишчилар, олимлар ва бошқа машҳур одамлар билан учрашув — интервьюлар ташкил этилади.

Университетга кирувчилар учун ёш ва маълумот чекланмаган. Тингловчилар орасида бирон ўқув юртининг биринчи курс студентини ҳам, олий маълумотли мутахассисни ҳам, ишчи ва колхозчини ҳам кўриш мумкин. Уларни бир аудиторияга тўплаган мақсад ягона — газета материалларини ёзиш маҳоратини ўрганиш. Тингловчилар бу мақсадга қанчалик эришаётганликлари уларнинг икки йил ўқиш давомида ва университетни тугатгандан кейин ҳам ёзаётган материалларининг тобора пишиқпухта бўлиб бораётганида кўринади.

Яқинда университетни навбатдаги— 11-группа тингловчилари битиришди. Улар 25 киши. Юқорида тилга олганимиз Ў. Соипов уларнинг бири. Ўқиш давомида машғулотларга актив қатнашган ва газета саҳифаларида ўзининг қатор катта-кичик мақолаларини эълон қилганлар анчагина. «Главташкентстрой» инженери Т. Лутфуллаев, 3-трамвай депосининг ҳайдовчиси А. Юсупов, Калинин район марказий дорихонаси ходими М. Каримова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ишчиси Ш. Холиқова, Низомий номли Тошкент педагогика институтининг ўқитувчиси Б. Тожиев, Янгийўл пойабзал фабрикасининг инженери Ғ. Аминов, Тошкент заргарлик заводининг заргари М. Абдурасулова, Красногорск ички ишлар бўлимининг ходими М. Эргашев ва бошқалар ёзган хат-хабарлар, корреспонденция ва лавҳалар, тақриз ва ҳикоялар кўпчиликка манзур бўлди.

Яқинда университетда ўқув йилининг тугалланишига бағишланган якунловчи йиғилиш бўлиб ўтди. Ўқув программасини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди. Область журналистлар ташкилоти правлениеси вакиллари уларни қизғин табриклаб, ижодий муваффақиятлар тилашди. Ишонамизки, улар бундан буён ҳам матбуотимизнинг энг яқин кўмакчилари бўлиб қолишади.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетининг ректори.**

* * *

**Суратда: университет битирувчиларидан бир группаси.**

**Н. Муҳаммаджонов** фотоси.



## ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

# ХАНОЙДА КЎРГАЗМА

**ХАНОЙ, 20. (ТАСС) Бу ерда РСДРП II съездининг 80 йиллигига бағишланган «КПСС — Ленин партияси» мавзуидаги кўргазма очилди. Шоҳли сана шарафига ташкил қилинган экспозицияни Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейи билан Хо Ши Мин музейи биргаликда тайёрлашган.**

**Икки юздан кўпроқ ҳужжатлар, фотосуратлар ва бошқа материаллар жаҳон пролетариати йўлбошчисининг янги типдаги марксистик партия тузиш учун олиб борган зўр кураши тўғрисида ҳикоя қилади, ана шу воқеанинг жаҳон шумул — тарихий аҳамиятини очиб беради. Кўргазма экспонатлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, ривожланган социалистик жамият қурган совет халқи босиб ўтган қаҳрамонона йўлни ёрқин акс эттиради.**

**Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган бўлимда Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасида ҳар томонлама қардошлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид ҳужжатлар ва фотосуратлар асосий ўринни эгаллаган.**



● **НИКАРАГУА. Кейинги ойлар давомида контрреволюцион кучлар мамлакатнинг муҳим стратегия пунктларидан бири ҳисобланган Халапани штурм билан олишга бир неча бор уриниб кўрдилар. Лекин ватанпарварлар сомосачи босқинчиларнинг барча уринишларини йўққа чиқардилар.**

**Суратда: Халапа ҳимоячилари.**

**Г. Надеждин** фотоси. ТАСС.

*

### ҚАШШОҚЛАРЧА ҲАЁТ КЕЧИРМОҚДАЛАР

✦ ЛОНДОН. «Лоу пэй юнит» жамоат ташкилотининг бу ерда эълон қилинган ҳужжатида Буюк Британияда уч миллиондан зиёд бола қашшоқларча ҳаёт кечираётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Тадқиқот авторлари таъкидлаб ўтганидек, Англиядаги 1 миллион 150 минг боланинг ота-оналари оладиган иш ҳақи бу ерда «фақирлик бўсағаси» деб аталган миқдорнинг атиги 40 процентини ташкил этади.

Ҳужжатда боқувчилари ишлаб турган оилалардаги аҳволгина кўриб чиқилганлиги эътиборни жалб этади. 3 миллиондан зиёд ишсизнинг аҳволи текширилмаган.

### МАКТАБНИ ТАШЛАБ КЕТИШГА МАЖБУР БЎЛМОҚДАЛАР

✦ БРАЗИЛИА. Бразилияда давлат мактаблари ўқувчиларининг атиги 20 процентигина ўрта маълумот олишга муваффақ бўлмоқда. Биринчи синфдаёқ ўқувчиларнинг қарийб ярми мактабдан кетиб қолмоқда. Саводсизликни тугатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган умуммиллий семинарда маърузачилар ва жамоатчиликни ташвишлантираётган ана шу маълумот айтиб ўтилди.

(ТАСС).

### ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

✦ АНТАНАНАРИВУ. «Тинчлик ва ҳаёт учун, ядро урушига қарши» шиори остида Прагада ўтган жаҳон конференцияси ер юзидаги тинчликсевар кучларнинг инсоният истиқболи учун буюк жавобгарлигини сезганлигини кўрсатувчи далил бўлиб тарихга киради. Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун кураш Малагасия комитетининг раиси Р. Андриамандзату шундай деб айтди. У Мадагаскар делегацияси катнашган Прага учрашувининг якунларига бағишланган матбуот конференциясида сўзга чиқди.

### ТАБИИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

✦ ЛИМА. Перунинг Пьюра департаментида шу йилнинг бошидан бўён тўйиб овқат емаган ва медицина ёрдамидан маҳрум этилган беш мингдан зиёд бола ўлди. «Республика» газетаси расмий статистика маълумотларига асосланиб, шу тўғрида хабар қилди. Маълумки, етти ой мобайнида сел ёғиб сув тошганлиги натижасида бу департаментдаги кўплаб шаҳар ва посёлкалар сув остида қолди. Пьюранинг қишлоқ хўжалигига катта зарар етди. Натижада минг-минглаб деҳқон оилалари тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлиб қолди.

Департаментнинг маъмурий маркази—Пьюра шаҳри муниципал кенгаши ҳукуматга мурожаат қилиб, табиий офатдан зарар кўрган кишиларга дарҳол ёрдам беришга чақирди.

### БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

✦ АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда шу ўқув йилида ўрта мактаб ўқувчиларига 6 миллионтадан зиёд дарслик берилди. Шу давр ичида 4,5 миллион бирлик мактаб жиҳозлари ва асбоблари тайёрланди. Бундан ташқари, Эфиопиядаги ўрта мактаблар учун чет эллардан 12 миллион бирлик ҳар хил асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олинди.

(ТАСС, 20 июль).

БУГУН ПОЛЬША МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ТИКЛАНИШ КУНИ

# ДЎСТЛИК УЙИДА

Янги Польша-Совет дўстлиги уйи Варшавадаги энг гавжум маданий маскалардан биридир. У бундан уч йил муқаддам қурилган эди. Замонавий архитектура билан қурилган 12 минг квадрат метр саҳнли кўп қаватли бинода Польша-совет дўстлиги жамияти (ПСДЖ) Бош ва Варшава правлениеси жойлашган. Бу ерда мажлислар ва кенгашлар ўтказилади, рус тили курслари тингловчилари ҳамда СССР тўғрисидаги билимлар тўғараклари, ПСДЖнинг бутун мамлакатдаги клублари аъзолари йиғилишади, жамиятнинг матбуот органи — «Пшязнь» ҳафталиги редакцияси ишлайди.

Бинонинг биринчи қаватида ПСДЖ анъаналари ва тарихи зали жойлашган. Бу ерга жамланган байроқлар, вимпеллар, дипломлар ҳамда СССРлик дўстлар ҳадя қилган совғалар Польша-Совет дўстлиги жамиятининг барпо қилиниши тарихи ва фаолияти билан таништиради.

Пастда 370 ўринли зали бўлган «Ока» кинотеатри жойлашган. Унинг репертуарида янги совет фильмлари бор. Болалар учун махсус сеанслар ташкил қилинади. Бу стереофильмларни кўриш мумкин бўлган Польшадаги ягона кинотеатр ҳамдир.

Дўстлик уйининг биринчи ва иккинчи қаватларини матбуот клуби ва кўргазма ҳамда ўқув заллари, китоб магазини бўлган «Дружба» Халқаро матбуот ва китоб клуби эгаллайди. Бу ерда совет нашрлари маҳсулотлари билан кенг танишиш мумкин. Клуб катта ишлар олиб бормоқда. Бу ерда «СССРда бир кун» циклидан турли учрашувлар ўтказилади, совет олий ўқув юртларини битириб чиққанлар билан учрашувлар ташкил қилинади ҳамда шеърият ва қўшиқ кечалари уюштирилади. Чунончи, яқинда «Дружба» клуби А. Н. Островский туғилган кунининг 160 йиллигига бағишлаб адабий кеча ташкил қилди. Клубининг кўргазма заллари да ҳамиша актуал экспозицияларни томоша қилиш мумкин. Кейинги ташкил қилинган фотокўргазма «Польша-Совет иқтисодий ҳамкорлиги» деб аталади. У мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланганлигининг 38 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган эди. Шунингдек, В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллигига ҳамда жаҳон пролетариати доҳийсининг Польшада бўлганлигининг 70 йиллигига бағишланган плакатлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

— Мен Дўстлик уйига тез-тез келиб тураман,— дейди Варшава лицейининг талабаси Иоанна Матейчик.— Айниқса «Дружба» клубига қизиқиб кираман, бу ерда газета, журналлар ўқиш, камер концертлари тинглашни ёқтираман. Имкон топсам кўргазма залларига кираман. Бу Совет Иттифоқи тўғрисида, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тўғрисида кўпроқ билишнинг яхши усулидир.

Биринчи қаватда бир гуруҳ ёшларни учратдим. Улар рус тили илмий-дидактик ахборотлар марказига келишган экан. Бу жойда жуда яхши қироатхона бор.

— Биз студентлар рус филологиясини ўрганмоқдамиз,— дейди ёшлардан бири Кшиштоф Вуйтицкий.— Марказнинг асосий вазифаси рус тили ўқитувчиларига ёрдам бериш ва уларнинг иборат. Лекин бизни ҳам бу ерда меҳмондўстлик билан кутиб олишади. Негаки биз ҳам ҳадемай ўқитувчи бўламиз.

— Биз танлаган касбимиз туфайли ҳам Совет Иттифоқи тўғрисида кўпроқ нарсалар билишга ҳаракат қиламиз,— қўшимча қилади Эльжибета Домбровская.— ПСДЖ, Дўстлик уйининг фаолияти бу борада бебаҳодир.

Жамият вакили Мачей Ольбрих билан қисқа суҳбат чоғида бу сўзларни унга айтиб бердим ҳамда Дўстлик уйи фаолиятига у қандай баҳо беришини сўрадим.

— Биз бу ерда мезбонлармиз,— дейди М. Ольбрих.— Шунинг учун Дўстлик уйи фаолиятига энг кўп таъсир ўтказамиз. Айни вақтда масъулиятни ҳам ҳис этамиз. Самимий фикр-мулоҳазалар бизни қувонтиради. Шунингдек, янада самарали ишлашга даъват этади. Биз бу ажойиб объектнинг имкониятларидан янада яхшироқ фойдаланишни истардик. Бизнинг яқин келгусидаги мўлжалларимиз — рус ва совет санъати галереясини очиш, болалар учун мўлжалланган тадбирларни кенгайтиришдир.

**Мария ДОМАГАЛА,**
**поляк журналисти (Интерпресс — АПН).**

Редактор
Н. НАСИМОВ.

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1983-84 ўқув йилига**

**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Токарь** (программали бошқариладиган станокда ишловчи), **учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, слесарь-механик, саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти, ОТК контролёри, автослесарь.**

**15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.**
**УҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.**

**Металл бўйича универсал токарь.** Ёши 16 ва ундан катта ёшдагилар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Ремонтчи-слесарь** (саноат жиҳозлари бўйича). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Слесарь-механик** (механика-йиғув ишлари). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

**Электр кўтарма кранлари машинисти.** Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Электр пайвандчи.** Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил. Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**ОТК контролёри.** Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.**

**УҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Билим юртида иккита техника ижодкорлиги тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд. 10 та спорт секцияси ишлаб турибди. Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Билим юртига 4, 5-троллейбуслар** («Экскаватор заводи» бекати); **3, 22, 23, 29-трамвайлар** («Старт стадиони» бекати) **билан бориш мумкин.** Телефон 35-61-30.

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**
**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «КРАСНАЯ ЗАРЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 245-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**Тошкент шаҳри ва Тошкент областида яшовчи 8 ва 10-синфни битирувчиларни қуйидаги ихтисослар бўйича**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**эркаклар, аёллар ва болаларнинг устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка, тикувчилик буюмлари контролери.**

8-синфни битирганлар 3 йил ўқийди. Улар ўрта маълумотга ва мутахасисликка эга бўладилар. Ўқувчилар кийим-кечак ва бепул овқат билан таъминланади. 10-синфни битирганлар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўмдан стипендия оладилар; 10 синфни битирган ва УПК дан гувоҳномаси бўлганлар 6 ой ўқийдилар ва ойига 70 сўмдан стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юртида ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртлари ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар тикувчилар Маданият саройида истаган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашишлари, завод санаторий-профилакторийси ва медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.

**Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:** директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, аттестат ёки 8 синф маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма); 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), характеристика, таржимаи ҳоли.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26-трамвайлар; 1, 3, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 80, 81-автобусларнинг «Красная заря» бекати). Телефон 35-19-24.

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Ф. Хўжаев номидаги 1-пойабзал фабрикаси қошида очилган**
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРИ**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:** пойабзал қисмларини бичувчилар, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

**БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам равишда ишлайди. Булардан ташқари билим юрти қошида бепул болалар ва аёллар кўйлакларини бичиш-тикиш курси очилган, битирувчиларга гувоҳнома берилади.**

**БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ИШЧИ ЁШЛАР МАКТАБИ БОР.**
**ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

Билим юртини аъло битирган ўқувчиларга техникум ва институтга йўлланма берилади.

**Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:** директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан, саломатлиги ҳақида справкалар, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат.

**ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ** (якшанбадан ташқари) **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг, «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

---

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**

**1983—84 ўқув йили учун**

**15, 16, 17 ва ундан катта ёшдаги йигитларни ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни**

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**БИЛИМ ЮРТИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.**

**Қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, токарь. Ўқиш муддати 6 ой. Ҳар ойда 62 сўм стипендия берилади.**

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси. Ўқиш муддати—1,5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти. Ўқиш муддати—2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз, электровознинг электр ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь; турли жиҳозлар бўйича токарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь. Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўлчилар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан, Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳарига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

**Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:** маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси ёки эмланганлиги ҳақидаги медицина карточкаси, характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

**Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 2: 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 72, 48, 80-автобусларнинг «Котельная» бекати). Телефон: 96-34-90.

---

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҲАРФ ТЕРУВЧИЛАР, ЛИНОТИПЧИЛАР, МАТБААЧИЛАР, МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.**

**8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА 15—18 ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар, тўлиқ ўрта маълумот ва касби тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар бепул уч маҳал овқат ва кийим билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар бир йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар Москва, Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик саноати институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юбориладилар.

**Билим юртида ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади ва меҳнат стажига киради. Алоҳида муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.**

Билим юртида 6 ойлик бичиш ва тикиш курслари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси).

---

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1983—1984 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилари, қандолатчилар, электр жиҳозларга маиший хизмат кўрсатиш бўйича электрик — усталар** (холодильник, кир ювиш, чанг тозалаш машиналари), **тикув машиналари бўйича усталар, соат тузатиш ва уни гравировка қилиш усталари, соатсозлар, радио ва телевизорлар тузатиш усталари.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

**Ўқиш муддати 1—2—3 йил.**

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 проценти ўқувчиларга берилади.

**Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади.**

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:** билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 112-Қорақамиш массиви (42, 43, 43 «э»- 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати). Телефон 48-68-59.

---

## ДИҚҚАТ! ЮҚОРИ БОСИМЛИ ГАЗ ҚУВУРИ МАГИСТРАЛИ

**Сиз истиқомат қилаётган район территориясидан умумдавлат АҲАМИЯТДАГИ ҚИММАТБАҲОЛИ ИНШООТ — ГАЗ ҚУВУРИ МАГИСТРАЛИНИНГ ТРАССАСИ ЎТГАН.**

Ҳар бир гражданнинг бурчи — газ қувури ва унинг иншоотларига (алоқа линиялари, кранлар, задвижкалар, кўрсатиш белгилари, катод станциялари ва бошқалар)-га ғоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишдан иборат.

Шу нарсани ёддан чиқармангки, газ қувури—портлаш ва ёнғинлар келтириб чиқарадиган ўта ҳавфли манбадир.

Одамларнинг қурбон бўлиши ва моддий зарар кўрилишининг олдини олиш мақсадида муҳофаза этилаётган газ қувури зонасида (унинг икки томони бўйлаб 250 метр масофада) қуйидаги ишларни амалга ошириш

## ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ




бирорта бинолар қуриш;

дала шийпонлари, галла хирмонларини ўрнатиш, заправка пунктларини жойлаштириш;

чорва молларига сув ичириш ва уларни қантариб қўйиш;

силос хандақларини қазиш, беда ғарамлаш, пахтани қуритиш ва сақлаш учун майдонлар ташкил этиш;

кум ва бошқа конларни ташкил қилиш;

ахлат тўплаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқиндилари ва нушхўрдни ёқиш;

одамлар, техника воситалари, чорва молларини тўпланишига йўл қўйиш.

Муҳофаза этилаётган газ қувури зонасида «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан фақат келишилганидан кейин қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш мумкин.

АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАР РАҲБАРЛАРИ, ҚУРУВЧИЛАР, ПРОРАБЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР

## ДИҚҚАТИГА!

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ҚУЙИДАГИ МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ЁТҚИЗИЛГАН:**
**ЖАРҚОҚ — БУХОРО —САМАРҚАНД—ТОШКЕНТ;**
**ЯНГИЕР — ФАРҒОНА —ҚУҚОН—НАМАНГАН — АНДИЖОН;**
**ГАЗЛИ — КОГОН — САМАРҚАНД— ТОШКЕНТ— ФРУНЗЕ — ОЛМАОТА;**
**КЕЛИФ — МУБОРАК — ЗИРАБУЛОҚНИНГ ШАҲОБЧАЛАРИ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ГАЗ ҚУВУРЛАРИГА УЛАНГАН.**

Муҳофаза этилаётган газ қувури зонасида қурилган бинолар ва иншоотлар бузиб ташланади.

Магистрал газ қувури ўтган районларда йўлларни қуриш, кабелларни, водопровод қувурларини ва бошқа ер остки тармоқларни, ер устки ва ер остки коммуникацияларни ўтказиш, шунингдек янги ерларни текислаш ва ўзлаштириш ҳамда магистрал газ қувури ўтган зоналар атрофида электр линияларини тортиш фақат аввалдан келишиб олинган рухсатномага асосан бажарилади!

Муҳофаза этилаётган газ қувури зонасида қурилиш ва тупроқ ишларини ўзбошимчалик билан олиб бориш ҳамда электр узатиш линияларини ўтказиш авариялар, бахтсиз ҳодисалар келтириб чиқариши, моддий зарар етказиши ва бошқа жиддий кўнгилсиз оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА ДАВЛАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ БИРЛАШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

СН—452—73 маркали магистрал газ қувурлари учун ажратилган ер нормаларига мувофиқ, магистрал ер остки қувурлари устидаги ердан фойдаланиш нормаларига биноан қувурларнинг шикастланмаслигини таъминлайдиган тадбир-чоралар қатъий амалга оширилмоғи керак.

Ҳавфсизликни таъминлаш учун дала ишларини бошлаб юборгунга қадар газ қувури ўтган районда ерлардан фойдаланиш учун «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасидан рухсатнома олиш зарур. (Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогика кўчаси, 31 «а»-уй).

**РУХСАТНОМА ОЛИШ УЧУН КОГОН, ҒАЛЛАОРОЛ, ФАРҒОНА, ЎҚТОШ, САМАРҚАНД, ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ЛИНИЯЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИГА ҲАМ МУРОЖААТ ЭТИШ МУМКИН.**

МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ АТРОФИДА ҒОЯТДА ЭҲТИБОРЛИ ВА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГИЗ!

**«УЗБЕКТРАНСГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**
**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.**

---

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ**

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

**ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ ҲАЙДОВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН**

ҚУРСЛАРГА

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ОЙ.**

**Ўқиш вақтида курсантларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия берилади.**

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишиларга депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

Курсантлар ва ҳайдовчилар тўла таннархининг 50 процентини тўлаш йўли билан формали уст-кийим билан таъминланадилар.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.**

---

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ**

РСДРП II СЪЕЗДИ ОЧИЛГАН ҚУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ

**ТЕМАТИК КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ**

**ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАГИ «ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 июлда — **«Қанотсиз фронт».**
27, 28 июлда — **«Ўлим қадрини ўликлардан сўра».**
29, 30 июлда — **«Катта-кичик урушлар».**

**ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ «ОЛМАЛИҚ» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 июлда — **«Уз ўриндаги одам».**
27, 28 июлда — **«Умид ва таянч».**
29, 30 июлда — **«Фронт ортидаги фронт».**

**АНГРЕН ШАҲРИДАГИ «ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 — июлда — **«Умид ва таянч».**
27, 28 — июлда — **«Қанотсиз фронт».**
29, 30 июлда — **«Ватан солдатлари».**

**БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ «ЮБИЛЕЙ» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 июлда — **«Камонинг сўнгги жасорати».**
27, 28 — июлда — **«Февраль шамоли».**
29, 30 июлда — **«Катта-кичик урушлар».**

**ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ «НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИДА**

27, 28 июлда — **«Февраль шамоли»,**
29, 30 июлда — **«Махсус топшириқ олган поезд».**

**ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ «ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИДА**

27, 28 июлда — **«Ўлим қадрини ўликлардан сўра».**
29, 30 июлда — **«Хизмат вақтида ўлдирилган».**

**ПАРКЕНТ РАЙОНИДАГИ «БАҲОР» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 июлда — **«Уз зиммамга оламан».**
26, 27 июлда — **«Асосан белгилари йўқ».**
29, 30 июлда — **«Шошилинч... маҳфий... губчекага».**

**ТУЙТЕПА ШАҲРИДАГИ «ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА**

25, 26 июлда — **«Дайди ўқ».**
27, 28 июлда — **«Ўртоқ Иннокентий».**
29, 30 июлда — **«Қизил дипкурьерлар».**

**КОММУНИСТИК РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА**

26 июлда — **«Махсус топшириқ олган поезд».**
28, 29 июлда — **«Запасдаги офицер».**
30 июлда — **«Менга сўз беринг».**

**ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЕШЛИК» КИНОТЕАТРИДА**

26, 27 июлда — **«Асосан белгилари йўқ»** (икки серия).
29, 30 июлда — **«Ковпак ҳақида ўйлар» (биринчи фильм).**

**ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «СПУТНИК» КИНОТЕАТРИДА**

26, 27 июлда — **«Ўта муҳим топшириқ».**
28, 30 июлда — **«Лесная кўчасидаги уй».**

**ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «НОВО-МИХАЙЛОВСКОЕ»ДАГИ КИНОТЕАТРИДА**

27, 28 июлда — **«Камонинг сўнгги жасорати».**
29, 30 июлда — **«Фронт ортидаги фронт».**

**БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ «БЎСТОН» КИНОТЕАТРИДА**

26, 27 июлда — **«Ковпак ҳақида ўйлар»** (биринчи фильм).
28, 29 июлда — **«Ковпак ҳақида ўйлар»** (иккинчи фильм).
30, 31 июлда — **«Ковпак ҳақида ўйлар»** (учинчи фильм).

---

**«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг ЎҚУВ КОМБИНАТИ**

**янги Ангрен ГРЭСи қурилишида ишлаш учун**

**МЕХАНИЗАТОРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**гусеницали ва пневмоғилдиракли кран машинисти, автокран машинисти** (ҳайдовчилик праваси бўлган автомобиль ҳайдовчиларидан), **экскаватор машинисти.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ — 3—4 ОЙ.**

Ойига 75 сўм стипендия тўланади.

**Ётоқхонадан жой берилади.**

**Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39 «А» уй, телефон 66-09-02: Оҳангарон райони, Нуробод посёлкаси, янги Ангрен ГРЭСи ўқув пункти.

---

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

**МТ-I.** 9.00 — «Время». 9.40— Спорт ахбороти. 9.55 —Мульт-фильмлар. 10.35 — «Буратино кўргазмаси». 11.05 — «Осетия тароналари». 11.20 — «Қадрдон уй ҳарорати». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртаси». 16.25 — Бадиий гимнастика. 16.40 — Болалар учун фильм. «Ажралмас дўстлар». 18.00 — «Қувноқ стартлар». 18.45 — «Биз БАМни қуряпмиз». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — Киноочерк. 20.10 — «Қолдирилган парвоз». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.00 — Союзлар уйининг Колонна залида В. Маяковский туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кеча. 23.30 — «Дунё воқеалари». 23.45 — Спорт ахбороти.

**МТ-II.** 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.50 — «Хайрли соатда». Бадиий фильм. 11.20 — «Шахмат мактаби». 11.50 — Концерт. 12.15 — Инглиз тили. 12.45 — Спорт ахбороти. 13.05 — С. Соловейчик. «Етти шамол тўдаси». 7-воқеа. 13.50 — «Энг катта проспект». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.20 — Антуан де Сент-Экзюпери. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.05 — Концерт. 15.30 —«Ҳаётга йўлланма». 16.30 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.45 — Илмий-оммабоп фильм. 19.05 — Концерт. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Таништинг, чет эл цирки». 21.15 — Спорт ахбороти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дўстлар — ўртоқлар ҳақида». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.05 — Футбол. МАСК —«Динамо» (Киев).

**ЎзТВ-I.** 12.35 — «Светофор». 13.35 — Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 14.35 — «Канонир Доласнинг саргузашти». Бадиий фильм. 2-серия. 15.00 — «Замандас». 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Ишга туширилади қурилишлар — ўз муддатида!». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Адабий альманах». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Эстрада калейдоскопи». 21.30 — «Время». 22.00—«Дунё воқеалари». 22.30 — «Маҳфий агент». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

**ЎзТВ-II.** 9.00 — 16.35 — МТ-II. 18.00 — Она тили. 18.30 — Химия. 19.00 — Математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 —«Эркакларга кўз ёши ярашмайди». Бадиий фильм. 21.30 — МТ-II.

---

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02026 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1645. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12